

Muminova Barno Khurramovna
Geography teacher
School N98 Denau district

UNIQUE NATURE-ARCHEOLOGICAL MONUMENTS OF SURKHANDARYA REGION AND THEIR PROTECTION

Annotation. This article examines the unique natural and archaeological monuments located on the territory of the Surkhandarya region and the issues of their protection. In particular, information is given about beautiful waterfalls, springs, caves with ancient human settlements and ancient inscriptions written on rocks in the development of the charming nature of the region.

Key words: Unique nature, archaeological sites, ancient human settlements, waterfalls, healing springs, ancient inscriptions.

Муминова Барно Хуррамовна
Учитель географии
школы №98 Денауского района

УНИКАЛЬНЫЕ ПРИРОДА-АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПАМЯТНИКИ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ИХ ЗАЩИТА

Аннотация. В данной статье исследованы уникальные природно-археологические памятники, расположенные на территории Сурхандарьинской области, и вопросы их охраны. В частности, дается информация о прекрасных водопадах, источниках, пещерах с древними поселениями людей и древних надписях, написанных на скалах в освоении очаровательной природы региона.

Ключевые слова: Уникальная природа, археологические памятники, древние поселения человека, водопады, целебные источники, древние надписи.

Мўминова Барно Хуррамовна
Денов тумани 98-мактаб
география фани ўқитувчиси

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ НОЁБ ТАБИАТ-АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятида жойлашган ноёб табиат–археологик ёдгорликлари ва уларни муҳофаза қилиш масалалари ўрганилган. Жумладан вилоятнинг мафтункор табиати тараққиётида вужудга келган гўзал шаршаралар, булоқлар, қадимги инсон манзилгоҳлари бўлган ғорлар ва улардаги қояларга ёзилган қадимги ёзувлар ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Ноёб табиат археологик ёдгорликлар, қадимги инсон манзилгоҳлари, шаршаралар, шифобахш булоқлар, қадимги битиклар.

Сурхондарё вилояти ўзининг нафосатли гўзал мафтункор табиати билан машҳурдир. Воҳанинг гўзал сўлим табиати бу ерга меҳмон бўлиб келган ҳар бир сайёҳларнинг диққат эътиборини ўзига доимо тортиб келмоқда.

Вилоят ер усти тузилишининг мураккаблиги бу ерда Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тармоғи бўлган Бойсун ҳамда Кўҳитанг тоғларида табиатнинг ноёб, ғаройиб ҳамда мафтункор гўшаларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Айниқса вилоятнинг Бойсун ва Сариосиё туманларида бундай масканларнинг мавжудлиги воҳа табиатининг бетакрор эканлигидан далолат беради. Ана шундай гўзал табиат ёдгорликларидан бири Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоғида жойлашган Сангардак шаршарасидир. Шаршара булоқ сувларидан ҳосил бўлиб, денгиз сатҳидан 3-минг метр баландликдан отилиб чиқиб ноёб табиат мўъжизасини намоён этади. Шаршара суви 150 метрдан ортиқ баландликдан атрофдаги қояларга урилиб оқади. Шаршара атрофидаги ҳудудларда анжир, наъматак, узум каби дарахт ва бутасимон ўсимликлар ўсади. Сангардак шаршарасини ҳосил қилувчи булоқлар сувни қоялар ичида жойлашган кўлдан олади. Мазкур шаршара “Шаршара-мозор“ номи билан машҳур бўлиб, ҳар йили зиёратчилар билан гавжум бўлади. Унинг атрофида сержило камалак ҳосил бўлиб, бу ерга келган сайёҳларни ҳайратга солади.

Шаршаранинг ўнг томонида ундан 200 метр баландликда маҳаллий аҳоли томонидан “Жавзо суви” деб аталадиган ғаройиб булоқ жойлашган. Қизиғи шундаки, булоқ бир йилда бир марта фақат жавзо (май) ойида тоғ бағридан сув оқа бошлайди. Ушбу ой тугаши билан тоғ бағридан оқаётган сув ҳам тўхтайтиди. Кишиларни ҳайратга соладиган бу ғаройиб жумбок ҳалигача илмий асосда ўрганилмаган. Бундан ташқари Сангардак тоғларида сангардак булоғи, қора булоқ, сирсой булоқ. Ширин булоқ каби булоқлар жойлашган.

Вилоятнинг тоғли қисмида яна кўплаб кичик шаршаралар кўп, жумладан, Зевар шаршараси-Сариосиё туманида шу номдаги кичик тоғ дарёсида вужудга келган. Баландлиги 200 метрдан ортиқ, Киштут шаршараси-Сариосиё туманида Киштут дарёсининг юқори қисмида, баландлиги 200 метрдан ортиқ, Хонжиза шаршараси Хонжиза дарёсининг юқори қисмида, жойлашган баландлиги 250 метр, Авлод шаршараси Бойсун туманида Авлод қишлоғи атрофида бўлиб баландлиги тахминан 100 метр келади.

Вилоятнинг яна бир табиат-археологик ёдгорликлардан Бойсун тоғ тизмасида жойлашган. Республикаимизнинг йирик археологик кўриқхонаси бўлган Тешиктош ғоридир. Тешиктош ғори Мачайдаги Зовталаш сой дарасида денгиз сатҳидан 1500-1600 метр баландликда жойлашган бўлиб, унинг бўйи 7, эни 20, узунлиги эса 21 метрни ташкил этади. Ғорнинг шифти тешик бўлгани учун гулхан ёқилса тепадаги туйнукдан чиқиб кетаверган. Шунингдек ғорда 1,5 метр қалинликда 5 маъданий қатлам бўлиб, ҳар бир қатламдан биттадан, баъзиларида иккитадан диаметри 40 сантиметр, сатҳи 2 метрга етадиган гулхан қолдиқлари топилган. Ғор ичида гулхан излари, тошдан қилинган ўчоқнинг ўрни, тош ва суякдан ясалган меҳнат қуроллари, 3000 та тош буюм, 2,5 мингдан кўпроқ чакмоқ тош парчалари, 10 мингдан ортиқ суяк синиқлари топилган. Қадимги Тешиктош ғори одамлари асосан овчилик ва йиғувчилик билан шуғулланиб, қоплон, буғу, ёввойи от, айиқ, айниқса тоғ эчкиларини кўплаб овлашган.

Ушбу ғор 1938 йилда археолог олим А.П.Окладников раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи илмий жихатдан ўрганиб, бу ердан 8-9 ёшли неандертал боланинг бош суягини топган. Бу тарихий археологик топилма бундан 100-40 минг йиллар олдин яшаган аждодларимизнинг белгиси эканлиги илмий жихатдан асослаб берилди. 1949 йил антрополог Герасимов бош суяги асосида Тешиктош одамнинг юз тузилишини тиклаган.

1973 йили антрополог Алексеев Тешиктош ғори одамни тўла ўрганиб чиқди. Олимнинг фикрига кўра скелет аёл кишиники бўлиб, инсон эволюциясининг неандертал фазасига мансублигини аниқлаган.

Сурхон воҳаси ўзининг қадимги тасвирий санъат тарихига ҳам эга. Вилоятнинг Шеробод тумани Қизилолма ва Зараут қишлоғи яқинидаги Зараутсой бўйида тошга қизил кесак (бўёқ) билан солинган суратлар топилган ва бу тасвирий санъат ёдгорликлари мезолит даврига оиддир. Зараутсой вилоятнинг Шеробод туманида жойлашган.

Зараудкамар ёдгорлигини 1939 йилда Хатак қишлоғида яшовчи Рауф исмли чўпон бола қўй боқиб юрган вақтда тасодифий кашф этган. Суратлар ҳақида хонадон аъзолари оиланинг қадрдон дўсти бўлиб қолган табиатшунос олим Иван Фёдорович Ломаевга сўзлаб беришади. Шундан сўнг И.Ф.Ломаев кўрганлари хусусида ўша пайтдаги Термиз Сурхондарё округ музейи директори Г.Ф.Парфёновга хабар беради. Ушбу табиат ёдгорлиги ҳақида маълумотларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тадқиқ этишда Г.Ф.Парфёнов, А.Ю.Рогинская, А.С.Кириллов, И.Ф.Ломаев, А.П.Иванова, В.К.Сандул ва Ш.Исмоиловларнинг хизматлари катта бўлган.

Бу ерда мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб 200 дан ортик расмлар чизилган. Унда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, ҳашорат), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар) ниқобланган одамлар ўзига хос асосида ҳаётий қилиб ишланган.

Зараутсой суратлари асосида Шерободда инсониятнинг илк босқичи яшаб ўтганлиги тўғрисида кўплаб қимматли материаллар илмий-археологик жихатдан тўла асослаб берилди. Зараутсой ибтидоий санъатининг ноёб ёдгорлиги сифатида “Ёдгорликларни муҳофаза қилиш, “Қизил китоб” ига киритилган.

Сурхон воҳасида юқорида номлари келтирилган қадимги инсон манзилгоҳларининг топилиши шубҳасиз ўлка тарихи ўзоқ ўтмишга бориб тақалишидан далолат беради.

Вилоят нафақат ўзининг археологик–табиат ёдгорликлари балки сўлим табиати, об-ҳавоси ҳамда шифобахш сувли булоқлари билан ҳам машҳурдир. Айниқса инсонлар дардига малҳам бўладиган Омонхона булоғи суви таркибида кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа кўплаб микроэлементлар мавжудлиги аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай витамин ва минералларга бой булоқ суви инсон танасининг айниқса, жигар, ўт пуфағи йўлларида даволаш хусусиятига эга. Ҳатто булоқ суви замонавий тиббиётда қўлланиладиган гемодез суюқлигидан фойдали ва зарарсизлигига кўра бир неча марта устун туриши аниқланган. Бу ерда Омонхона ғори ҳам мавжуд бўлиб, унинг баландлиги 3,5 метр, умумий майдони эса 60 квадрат метрни ташкил этади. Ғорнинг ички қисмида ёз ойларида ҳарорат 5-6⁰, қишда эса 20-22⁰, ташкил этади.

Вилоятимизга ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб этадиган табиат ёдгорликларидан бири Бойсун туманидаги Сайроб чинори ҳисобланади. Ушбу чинорнинг ёши 950 йилга яқин. Тарихнинг турли тарихий даврларида икки туп кўхна чинор танасидаги каттакон ковақдан илгари аскарлар қароргоҳи, қишлоқ кенгаши идораси, кутубхона, мактаб, чойхона, сартарошхона сифатида фойдаланилган. Ҳозирги вақтда эса унинг ичида музей ташкил қилинган. Сайроб чинори табиий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган.

Вилоятнинг Олтинсой туманидаги “Лўкка” қишлоғи яқинида “Ҳайрондара” деб аталувчи тоғ дараси мавжуд. Тоғ дарасининг бошланиш жойида шамол эрозияси туфайли пайдо бўлган улкан кўзикоринсимон кўринишида бир нечта шакллар ҳосил бўлган.

Бузғалахона ёки “Темир дарвоза” дараси Бойсун туманида жойлашган Унинг кенглиги 50-20 метрга етадиган тик, ҳар ер-ҳар ерида баландлиги 300-400 метрли тўқ кулранг оҳактошлардан тузилган дара деворлари кишида катта таъсурот қолдиради.

Хонжиза дараси Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий томонида Денов шаҳридан 50 км шимолда жойлашган. Хонжиза хуш ҳавоси, зилол сувлари, такрорланмас манзаралари билан кишини мафтун этади.

Ғорлар ер ости саёҳатини ёқтирувчилар учун ажойиб манзилгоҳ ҳисобланади. Сурхондарё вилоятидаги диққатга сазовор ғорлар кўп. Жумладан, Бойсун туманидаги Мачай ва Тешиктош ғорлари, Амир Темур ғори, Сурхоб ғори Сурхоб тоғларининг шарқий қиялигида жойлашган мазкур ғорнинг узунлиги 120 метр, сталактитларга ва сталагмитларга эга. Олтинсой туманида жойлашган. Хўжа Гургур тоғларининг жануби-шарқий қияликларида, Дуғоба қишлоғидан 25 км ғарбда жойлашган. Ғорнинг узунлиги 165 метрдан ортиқ, ғорда сталактитлари ва ер ости кўли бор. Олтинсой туманида, туман марказидан 55 км шимоли-ғарбда, Хўжаипок ғори Сурхондарё дарёсининг ўнг ирмоғи-Халқажар дарёси водийсида жойлашган. Ғорнинг узунлиги 220 метр, унинг ичида водород сульфатли (суткасига 1700 м.куб дебитли) сувга эга бўлган йирик булоқ оқиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари кескинлашиб бораётган ҳозирги вақтда табиатнинг ноёб географик-археологик ёдгорликларини муҳофаза қилиш, улардан ташқи ва ички туризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш мазкур табиатнинг ноёб масканларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир кишининг бурчи бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.” Ўзбекистон”, 2016.
2. Баратов П.Ўзбекистон табиий географияси .-Т.”Ўқитувчи”,1996.
3. Рўзиев А.Сурхондарё вилояти .-Т.;”Жайхун”, 1996.
4. Абдуназаров Ҳ.,Умарова М. Сурхондарё географияси (1-қисм.Табиий география).Термиз давлат университети -2023
- 5.Abdunazarov H. M. Issues of human economic activity and environmental protection //Экономика и социум. – 2020. – №. 11. – С. 23-26.
- 6.Алланов К. А., Чориев А. К. Роль угольной промышленности в социально-экономическом развитии Сурхандарьинской области республики Узбекистан //Экономика и социум. – 2023. – №. 6-1 (109). – С. 624-630.

7. Алланов К. А., Чориев А. Вопросы эффективного использования водных ресурсов в засушливых регионах и развития садоводства (на примере Сурхандарьинской области) "Экономика и социум" №1(116) 2024 с.729-733
8. Turaev K.T and Turayeva Z.M 2020. The Issue of Studying Religious Tourism in Uzbekistan. International Journal on Integrated Education. 3, 8 (Aug. 2020), 43-47. DOI:<https://doi.org/10.31149/ijie.v3i8.535>.
9. Umarova M. H, Esanov N. A, Xolmatov Z. M, and Turaev Q. T, "the classification of the names of population settlements in surkhandarya region by the historical factors", *iejrd - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. Special issue, p. 4, Dec. 2020
10. Umarova M. H, Abdunazarov H. M, Kholmatov Z. M, and Turaev Q.T, "the recreation importance of nature monuments of the baysun mountains", *iejrd - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. 9, p. 4, Dec. 2020.
11. Umarova, M. H., & Turaev, Q. (2021). Names of Places Related to Religious Tourism and their Origin. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 371-373. Retrieved from
12. Umarova M. H., To'rayev Q. T. Din-ziyosat turizmi bilan bog'liq bo'lgan joy nomlari va ularning kelib chiqishi // за публикацию в международном научно-практическом журнале «Экономика и социум» № 6(85) 2021
13. Tokhirovič , T. K. ., Mamarasulovna , T. Z. ., & Maxmaniyozič , X. Z. (2022). The Role and Importance of Tourism in the Regions . *Miasto Przyszłości*, 24, 431–433. Retrieved from
14. Алланов К.А., Чориев А. Загрязнение атмосферного воздуха и его влияние на здоровье населения северо-восточных районов Сурхандарьинской области-"Экономика и социум" 2022/1/9 2/914-919.
15. Абдуназаров Х. М., Ниёзов Х. М. Проблемы развития отраслей промышленности южного Узбекистана //Экономика и социум. – 2023. – №. 12 (115)-1. – С. 893-900.
16. Эсанов Н.А. Перспективы использования технологий «Умный город» в экономическом и социальном развитии города Термез //"Экономика и социум" №2(117)-1 2024. – С. 1559-1565.